



Ishonch

Моҳият
Ўз ҳаётимизни
Ватан
истиқболи,
фаровон
кељаги учун
бағишлаб
яшаш инсоний
ва фуқаролик
бурчимиздир.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Халқимиз учун меҳр-шафқат, саховат ва мурувват, қаноат ва шукроналик рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2011 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 август кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий аънава ва урф-одатларимизга мос равишда ўтказиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, яхшилик, маънавий поклик фазилатларини эъзозлаш, юртимизда дину диёнатимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, азиз-авлиёларимиз, буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш борасидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб этиш, азал-азалдан ушбу муборак ойда амалга ошириб келинадиган ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зийратгоҳларни ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 июл



Озод юртининг олтин сандиғи

Йигирма йил муқаддам дунё харитасида Ўзбекистон деган давлатнинг пайдо бўлиши халқимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқарганди. Дарҳақиқат, Муस्ताқиллик қадриятларини сарбланиб тутиш, мақсадлар муштарақлигини ўргатди. Бугун нафақат марказий шаҳарларимиз, балки энг чекка қишлоқларда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз кўрсатмоқда. Муҳташам, замонавий иморатлар, ўқув муассасалари, кўркам турар-жойлар кўзни қувонтиради.

Буюк аجدодларимиз ҳақида гапирганда, улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари биринчи бўлиб кўз олдимизга келади. Самарқанд ва Бухорога чегарадош вилоят беҳиш ўша зот номи билан аталмайди.

Навоий вилояти ҳудудида қадимий сақлар, хоразмийлар, бактрияликларнинг маданий ўчоқлари қолдиқлари қат-қат бўлиб ётибди. Варахша, Афросиёб, Панжикент қазилмалари ўзаро уруш-низолар оқибатида кумлар қаърига яширинган қадимий маданиятдан жумлаи жаҳонни хабардор қилаётган Сармиш тоғ дарасидаги тошларга ўйиб ишланган сурат ва топилмалар, кўплаб обида,

қарвонсарой ва работлар ҳар биримиз учун мўътабар. Улуг зотларнинг қадамжолари асрлар оша юртимизни шарафга бурқаб турибди. Ана шундай зотлардан бири сўфий аллома Низомиддин Қосим шайх ҳазратларидир. Кармана туманидаги ул зотнинг мақбараси билан бирга, Мирсаид Баҳром, шайх Хўжа Хусрав мақбаралари, Мирзачорбоғ тарихий ёдгорлиги, Работи Малик маж-

масида муस्ताқиллик йилларида кенг қўлабда тиклаш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Нуротадаги «Чашма» мажмуаси атрофида катта ҳажмида қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди. Айна мустақиллик даврида янгитдан ташкил этилган мазкур вилоят республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида муносиб ўринга эга. Воҳа бағрида беҳи-

соби ерости бойликлари — олтин ва қумш дейсизми, феруза ва оқшош, мармар ва фосфорид, уран ва кварц дейсизми, ҳаммасидан топилади. Шунинг учун ҳам Навоийни Ўзбекистоннинг олтин сандиғи, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Истиқлол даврида вилоят ҳаётининг барча жабҳаларида юксалиш, ўсиш ва ўзгариш кузатилди. Буни факт ва рақамлар мисолида аниқ-равшан кўриш мумкин. Вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2003 йилга нисбатан 2010

йилда қарийб тўрт бараварга ошди. Вилоят аҳлининг даромади ҳам шунга яраша. 2003 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 74 миң 223 сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 914 миң 980 сўмга етди. Сўнгги йилларда вилоят ҳудудида «Самарқанд-Нукус-Қўнғирот» темир йўлининг навбатдаги муҳим қисми тўла-тўкиши тугаланиб, фойдаланишга топширилди. Учқудука Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 3-гидрометаллургия заводи ишга тушди. (Давоми 2-бетда)

Бунёдкорлик ишларимиз Муस्ताқилликнинг 20 йиллигига

«Андрметал ҳамкор» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган рангли шифер ва гишт маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Янги иш ўринлари

Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун шу кунгача 340 миң АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлади. Натижада ўтган йил 35 та, бу йил эса 30 та янги иш ўрни яратилди. Уч томонлама шартнома асосида амалиёт ўтаётган Андижон туман Санот-энергетикаси касб-хунар коллежи битирувчиларининг 30 нафари корхонада муқим иш ўринларига эга бўлди. Корхонада ишчи-ҳодимларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилган.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Салтанат» фермер хўжалиги Янгийўл тумани «Халқобод» ҚФЙ ҳудудидаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур маҳалласида жойлашган. Хўжалик 1994 йилда атиги 2 гектар ер билан иш бошлаган эди. Бугунга келиб боғ ҳудуди ўн гектардан ортди.

Ҳамма гап ҳаракатда

— Богимизда олма, беҳи, анжир, зардоли каби хилма-хил мевалар етиштириляпти. Айни пайтда бир ярим мингга яқин дарахлар ҳосилга кирган. — Келажақда яна 3-3,5 гектар ерни қўшиб олмақчимиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Орзиев. — Унга олма, гилос, олхўри кўчатларини қадашни мўлжаллаялмиш. Кейинги йилдан белгиланган режани топширишни бошлаймиш.

Нарзулла МАҲАМОВ

Йигирма йилдан сўнг кўҳна Самарқандни Украина пойтахти Киев билан боғлайдиган авиа йўналиш тикланди.

Янги йўналиш

Эндиликда ҳафтада бир марталик парвоз орқали икки қадимий шаҳарга ташириш буюриш мумкин. Дунёнинг турли шаҳарларига ўз ҳаво кемалари орқали парвозларни амалга ошираётган Украинанинг «Аэросвит» авиакомпанияси ишончли ҳамкорликни амалда исботлади.

Нурилла ШАМСИЕВ

Сирдарё вилоятида аҳолининг гўшт, тухум маҳсулотларига бўлган эътиббон қондириш мақсадида паррандачиликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

Гўшт, тухум мўл бўлади

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан 600 та кам таъминланган оилага бепул 30 миң дона зотли жўжа тақрибланди. Бу хайрли иш дастлаб Гулистон туманидаги А.Султонов номи, Мирзаобод туманидаги «Йўлдошобод», Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» маҳаллаларида амалга оширилди. Шунингдек, Боёвут, Оқолтин, Сардоба, Ховос туманлари ва Янгиер, Ширин шаҳарларидаги эҳтиёмжанд оилаларга ҳам ана шундай мурувват кўрсатилди.

— Парранда боқилаётган барча оилалар чуқур гамхўрлик кўршовида, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Абдурашид Рустамов. — Хонадонлар парранда еми билан таъминланиб, уларга ветеринария хизматлари кўрсатилмоқда.

— Оиламизга маҳалламиз томонидан 30 та жўжа берилди, — дейди Мирзаобод туманидаги Беруний маҳалласида яшовчи уй бекаси Сайёра Каримова. — Тovuк етти хазинанинг бири. Ҳадемай рўзгоримиз гўшт, тухум билан тўкинлашиб, хонадонимизга қут-барака киради.

Анорбой НОРҚУЛОВ

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Жарқўрган филиали Жарқўрган ҳамда Қизилриқ туманларида кичик ва ўрта бизнес ривожига муносиб улуш қўшмоқда.

Тадбиркорга мадад

Жумладан, тадбиркор Рустам Бойназаров бошлиқ «Достон Акмал келажаги» хусусий корхонасига 100 миллион сўм кредит ажратилди ва ушбу сармоа ҳисобига тадбиркор янги линия харид қилиб, 14 хилдаги гўшт маҳсулотли ишлаб чиқармоқда. Қизилриқ туманидаги Сарик шаҳарчасида жойлашган «Қўнғирот Бизнес Сервис» хусусий корхонаси 120 миллион, Ангор туманидаги «Темир Буюк Жихоз» хусусий корхонаси 33 миллион сўм кредит олиб, халқ истеъмол молларини, Жарқўргондаги «Ойдин» хусусий фирмаси тадбиркорлари эса банк сармоясига ҳисобига қурилиш учун зарур оҳак, гипс, алибастр, нақшинкор йўлак плитчаларини ишлаб чиқараяпти.

Рустам ДАВЛАТОВ

Муносабат

Оммавий ахборот воситаларида Роғун ГЭСи қурилиши ўрта Осий табиати, сув таъминоти ва минтақада яшовчи миллионлаб аҳоли ҳаётига нечоғли салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида мутахассис олимлар, халқаро экспертлар томонидан кўплаб чиқишлар қилинмоқда. Уларда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлатимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсати чуқур ҳаётий асосларга эга экани, Ўзбекистон фақат ўз халқининг эмас, балки бутун минтақа аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилаётгани эътироф этилмоқда. «Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишни оқибатлари тўғрисида» сарлаҳали мақола шулардан биридир. Лекин эски тузум мафкураси, яъни инсоннинг табиатни жилволашга уриниши маҳсули сифатида ишлаб чиқилган ва бугунги давр талабларига мувофиқ мос келмайдиган лойиҳа асосида гидроэлектростанция қурилишини давом эттиришга уриниш Тожикистон раҳбарияти томонидан минтақа халқлари тақдирига бепарволик билан қарашдан ўзга нарса эмас.

Сув йўлига ғов қўйманг, оқибатини ўйланг

Мақолада қайд этилганидек, қурилиш участкаси учун танланган майдон Рихтер шкаласи бўйича 9 ва ундан юқори балли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Илякс-Вахш ёриги зонасида жойлашган. Вахш дарёси эса айнан тектоник синик бўйлаб оқади. Бу ҳудудда ўтган асрнинг ўзига бир неча марта 9 балли зилзилалар кузатилган ва у салбий оқибатларга олиб келганини тожикистонлик кексалар унутгани йўқ. Роғун ГЭСи тўғрисидаги бандлиги 350 метр ва сув омили 14 куб километрни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу ерда зилзила рўй бергудек бўлса, унинг оқибати нималарга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи кишини даҳшатга солади.

Дунёда бандан тўғрисида сув омборлари зилзила туфайли катта талафотларга сабаб бўлгани тарихдан яхши маълум. Мисол учун, ўтган асрнинг ўрталарида Хитойнинг Синьфин дарёси бўйида қурилган сув омборининг тўғони 105 метр бўлган, Хиндистондаги Коян дарёсида 103 метрли тўғон қурилган, Замбияда 185 метр бандликда тўғонга эга бўлган Кариб сув омбори бунёд этилган. Ушбу ҳудудларда содир бўлган зилзилалар аянчли оқибатларга олиб келган. Нурек ГЭСида ҳам сув сатҳининг ошиб бориши билан зилзилалар рўй бериши кўпайгани кузатилган. Шундай бўлсак, улкан туз қатлами устида қуриладиган Роғун ГЭСи келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳалокатли хавф-хатарларни кўз олдингизга келтириб кўринг. Боз устига, туз қатлами техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради.

Минтақамиз давлатларининг тараққиёти, халқларининг фаровон турмуш кечириши саховатли заминимиз, қатраси олтинга тенг сувимиз билан чамбарчас боғлиқ эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сув тақчиллигининг аянчли оқибатларини Орол денгизи қуриши мисолида барчамиз кўриб турибмиз-ку! Шундай экан, бир марта йўл қўйилган хатони иккинчи бор такрорлашдан ким манфаатдор?! Амударёдан халқаро меъёрлар асосида фойдаланиш, йирик қурилиш ишларини бошлашдан аввал ҳар томонлама пухта ўйлаш, қўшни давлатлар билан маслаҳатлашиш, лойиҳа-

ни ҳолис халқаро экспертизадан ўтказиш лозим. Ирригатор сифатида кейинги йилларда минтақамизда сув тақчиллиги қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир ўтказётганини эслатиб ўтмоқчиман. Биргина Зарафшон дарёсини оладиган бўлсак, бир пайтлар кунига миңг куб атрофида сув келган ушбу дарёдан булут 300-350 куб атрофида оби ҳаёт оқмоқда. Албатта, шундай вазиятда ҳам омилкор деҳқонларимиз сувнинг ҳар қатрасидан самарали фойдаланиб, ғалла ва пахтачиликда қўзланган натижаларга эришмоқда. Аммо бу натижалар осонликча, ўз-ўзидан бўлиб қолмайди-ку. Ахир халқнинг ризқи ер билан, сув билан эканини наҳотки унутишдан бўлса. Ушбу дарё суви бевосита ер ости ва булоқ сувларига ҳам таъсир кўрсатиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар юзага келтиришини ҳисобга олсак, трансчегаравий дарёлар йўлига ғов қўйиш бундай вазиятларни янада оғирлаштиради.

Бугунги фан-техника тараққиёти йирик гидроэлектростанциялар қурилишидан кўра, кичик станцияларнинг самарадорлиги юқори эканлигини исботламоқда. Шунингдек, дунё микдосида шомол ва қуёш энергияси манбаларидан фойдаланиш ҳам кенг омаллашмоқда. Роғун ГЭСи лойиҳаси амалга ошишидан манфаатдор томонлар масаланинг ана шу жиҳатларини эътиборга олса, ҳам ўзига, ҳам қўшниларга фойдала бўлар эди. Биз, ирригация мутахассислари бу соҳанинг пасту баландини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг Роғун ГЭСи қурилиши борасидаги оқилона позициясини қўллаб-қувватлаймиш. Чунки, гидроиншоот қуришни истовчилар халқаро нормаларга, энг асосийси, оддийгина инсонийлик, қўни-қўшинчилик тамойилларига эътибор бермаётти. Буни халқимизда манманлик, дейди. Манманликнинг эса охири ҳеч қачон бахайр бўлмаган.

Ўрол ЖУМАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор,
Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув бўлими мутахассиси



Озод юртининг олтин сандиги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Навоий халқаро аэропортининг жаҳон талаблари даражасида тўла қувват билан ишлаш бошлагани ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизда қутулган самарани бераётир. Аэропортининг замонавий юк терминали, Логистика марказининг ишга туширилиши эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятида бир қадар янги имкониятларни яратаяптир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига қизгин тайёргарлик анча аввалдан бошланган. Олис Томди, Учқудукдан бошлаб Қизилтепа, Хатирчи, Кармана, Навбахор, Конимех туманларида, Зарафшон ҳамда Навоий шаҳарларида улуг байрам арафасида бир неча ўнлаб қурилиш объектларининг ишга туширилиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи билан шуғуллана бошлаган қатор корхоналарнинг очилиши мўлжалланган.

Вилоятнинг 2011 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурига асосан умумий лойиҳа қиймати 33,7 млрд. сўмлик ҳамда 8,7 млн. АҚШ долларлик 159 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиши ҳисобига 1519 та янги иш ўрни барпо этилади. Шундан лойиҳа ташаббускорлари маблағ ҳисобидан 16,7 млрд. сўмлик ҳамда маҳаллий кредитлар ҳисобидан 17,0 млрд. сўмлик, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 7,3 млн. АҚШ доллари ҳамда хорижий кредитлар ҳисобидан 1,5 минг долларни ташкил этади. Шунингдек, жорий йилга мўлжалланган хусусий инвестиция дастурининг амалга оширилиши назарда тутилган инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши тармоқ жадалларида ўз ифодасини топаётир.

Навоий шаҳрининг бош лойиҳаси 1961 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, унда саноат корхоналарининг шиддат билан ўсиб бориши ҳам ҳисобга олинган. Меъморлар шаҳар лойиҳаси устида ишлар экан, кўчалар, майдон ва хиёбонлар кўркам ва сўлим бўлишига эришишдан ташқари, ички муҳитнинг ҳам шинам, жозибадор чиқишига ҳаракат қилганлар. Ҳозир шаҳарнинг шимолӣ ҳудудидан кўндаланга кесиб ўтган Махмуд Таробий шўх кўчаси тамоман ўзгача кўриниш касб этиб, шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турибди. 2012 йилда очилиши кўзда тутилган ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион қурилишида ишлар қизгин.


Алишер Навоий номи билан аталувчи боғ ҳудудидан яқинда ўтмаган бўлсангиз, кун сайин буй чўзиб, хусн талашаётган кўркам бино ва хиёбонларни кўриб, ҳайратланишингиз аниқ. Бу ерда тендер қиймати 5,036,0 млн. сўмлик «Аква парк», 3,743,4 млн. сўм бўлган «Ёшлар» маркази ҳамда кўп қаватли барча қўлайликларга эга «Бахт уйи»да қурилиш ишлари ниҳоялаб қолган. Олий спорт маҳорати мактаби биноси, «ВИЧ», «ОИТС» маркази, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, болалар Юқумли касалликлар шифохонасида бактериологик клиник лаборатория қурилишлари ҳам қўлғу сана арафасида тугалланиши мўлжалланган.

Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Омон Менглиевнинг айтишича, шаҳарда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 1,6 баробарга ўсиши кузатилади. Иқтисодийнинг реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,5 баробар ўсиши ҳам қувонарлидир.

Аҳоли фаровонлиги, ҳудуд ободлиги йўлида олиб борилаётган бунёдкорликларнинг кўлами кенг. Бу йил вилоятнинг чекка қишлоқларида уч босқичда барча қўлайликка эга 490 та намунавий уй-жой фойдаланишга топширилади. Гузарлар, маҳалла марказлари, кўчалар кенгайтирилиб, асфалт ётқизилади. Янгича лойиҳа ва дид билан тикланаётган қишлоқларда ўнлаб хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилади.

Буюк ва қўлғу сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрамига санокчи кўнлар қолди. Ривожланишга бой давр ютуқларини таҳлил қилар эканмиз, улкан яратувчилик, бунёдкорликнинг гувоҳи бўламиз. Рухимизда юз бераётган ўзгаришлар, ислохотлар, очилаётган янгидан-янги имкониятлар эса эртаси тўқислигидан даракдир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Касаба уюшмалари

Бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратди, дейишди аёлни. Оилада жуфтнинг гамхўрлигини ҳис этган бекадан кўра бахтлироқ инсон бўлмайд дунёда. Аммо аёлнинг уй бекалигидан бошқа ижтимоий «қийфа»лари ҳам бор, яъни, у жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган зиёли, ишчи, тадбиркор ва ҳоказо. Уйдан ташқарида уни ким ҳимоялайди, юксак мақсадларини амалга оширишда унга ким елкадош бўлади? Корхонадаги нуфузининг мустаҳкамланишида, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга доир ҳуқуқларининг амалга оширилишида у таянчга қанчалик муҳтож? Бу каби вазифаларни ҳал этишда, айниқса, нуфузли жамоат ташкилоти — касаба уюшмаларининг самарали фаолияти эътиборга молик. Фикримизни Наманган вилояти миқёсида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритиш билан давом эттирсак.

Эъзоз ва эътибор

жамоа шартномаларига тегишли мажбуриятлар киритилган бўлиб, уларнинг бажарилиши йўналишларда муҳокама қилиб борилаёпти.

Жойларда қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўзбекистон Президенти ва ҳукумат қарор ҳамда фармонларини тарғиб қилиш, миллий анъана ва урф-одатларни асраш, ёшлар ва аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби мавзуларда учрашув, суҳбат ва маданий тадбирлар ташкил этилаётир.

Корхона ва ташкилотларда «Барча режа ва дастурларини юксаттириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусида бошлангич касаба уюшма ташкилотлари билан кўргазмали ўқув-семинарлари ўтказилиб, «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ, «Ўзрўбероид» МЧЖ, «Наманганмаш», «Мехмаш», «ЎзЧасис», Чоқол, Пол конметаллургия каби ташкилотларда ишчи-ходимлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ойлардаги маънавий муҳитни яхшилаш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида маҳалларда учрашув ва суҳбатлар уюштирилди.

Учқўрғон туманидаги «Нуробод», «Ёшлик» маҳаллаларида «Ораста келин», касб-хунар коллежларида «Она билан олам мунаввар» мавзуларида давра суҳбати уюштирилди. Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»нинг концерт залида «Аёл — ҳаёт тимсоли» мавзусида театрлаштирилган баҳс-мунозара кечаси бўлиб ўтди.

«Ўзрўбероид» МЧЖда ўтказилган «Энг моҳир касанани аёл» кўрик-танловида 3 нафар аёл иштирок этиб, ишга қабул қилинди. Вилоят бирлашмасида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 26 нафар аёлнинг қабули ўтказилиб, уларга 1 млн. 300 минг сўмлик эсдалик совғалари топширилди.

Аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамидан спортнинг 4 тури бўйича спартакиада ўтказилди. Шунингдек, тиббиёт коллежлари талаба қизлари ўртасида мусобақа ташкил этилди. Жойларда Наврўзга бағишлаб ўқувчи ва талабаларнинг волейбол, футбол, баскетбол,

велопойга бўйича мусобақаси ўтказилди. Норин туманида барча ташкилотлар ишчи-хондилари ўртасида марафон мусобақаси бўлиб ўтди. Поп-Фен хорижий корхонасида Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрами кўтаринки руҳда нишонланиб, фаол аёллар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Хотин-қизлар шахмат-шашка ва стол тенниси мусобақасида иштирок этилди. Бу мақсад учун касаба уюшмаси маблағидан 800 минг сўм сарфланди.

Юртимизнинг тарихий обидалари, миллий урф-одат ва анъаналар билан яқиндан таништириш, аждодлар меросини ўрганиш бўйича белгиланган тадбирларга асосан жорий йилнинг олти ойида 260 нафар ишчи-хондилар, жумладан, хотин-қиз ва ёшларнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм каби қадимий шаҳарларга саёҳати уюштирилди. Хусусан, вилоят «Сувоқава» давлат корхонаси ва унинг қуйи корхоналарида фаол меҳнат қилаётган аёллар ва ёшлардан 20 нафари қадимий ёдгорлик ва муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиб қайтишди. Бунга ҳўжалик ҳисобидан 8 млн. сўм сарфланди.

Барча корхона ва ташкилотларда ишчи ўринлари меҳнат шариати бўйича аттестациядан ўтказиб турилади. Масалан, Хаин-Текс хорижий корхонасида май ойида барча иш ўринларини шаходатлашга ҳўжалик ҳисобидан 80 млн. сўм маблағ ажратилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш вилоят касаба уюшма ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан. Бу борада барча касаба уюшма ташкилотлари самарали фаолият олиб бормоқда. — Шу йилнинг олти ойида 52 та ёзма, 277 та озаки мурожаат тушди, ёзма мурожаат қилганлардан 28 нафари аёллардир. — дейди биз билан суҳбатда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Акмал Умаров. — Улар мазмуни бўйича меҳнат қонунчилигига зид равишда ишдан бўшатиш ва иш ҳақи ундирилиши, санаторийларга йўлланмалар олиш, ҳўжалик оргanelлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар масалаларига оид бўлиб, барча мурожаатлар белгиланган тартибда қонуний ҳал этилмоқда.

Д. РАҲМОНОВА

«Чотқол» дўстларни чорлайди

Болалар соғлом юртининг эртаси брўғ. Юртимизда ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялашда амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини мана шу эзгу мақсад ташкил қилади. Касаба уюшма ташкилотлари ёзги соғломлаштириш мавсумида ўғил-қизларнинг ҳам ақлдан, ҳам жисмонан чиникиб, ҳар жиҳатдан баркамол авлод бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшмоқда.



Куни кеча Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасаруфидида «Тошнэфгазқурилиш» ОАЖга қарашли «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «Мустақиллик — менинг тақдиримда» маданий-маърифий тадбири ўтказилди.

— Ҳудуди 18 гектарни ташкил этган «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 1986 йилда иш бошлаганда атиги 100 нафар бола дам олдирилган. — дейди оромгоҳ раҳбари Эркин Деҳқонов. — Бу йилги мавсумда 2200 нафар болани дам олдириш режалаштирилган бўлса, шу кунга қадар 1933 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Тўртинчи навбатда ҳам 600 нафардан ортиқ бола соғлигини мустаҳкамлайди.

— Оромгоҳда нафақат Тошкент

ишлаб турибди. Футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка билан болажонлар мунтазам шуғулланади. Кутубхона уларнинг хизматида.

Тадбир оромгоҳнинг йигирма беш йиллигига бағишланган «Чотқол» болалар ижодий фестивалига уланиб кетди. «Чотқол» ва ён атрофлардаги «Фазогир Гагарин» номидаги, «Конструктор», «Ёшлик», «Металлург», «Кўшли» оромгоҳларидан келган болажонларнинг гўзал куй-қўшиқ, мафтункор ракс ва шеърлари йилгиланларни ҳушнуд этди.

Оламга юз тутган гўзал дийрсан, Дўстлик гулбоғида мангу баҳорсан, Кўча дўн ичра бир ифтихорсан, Юксак парвоз тилай, кўси осмонни, Истиқбол муборак, Ўзбекистоним.

Четдан томоша қилиб, куй оҳангир бир маромада тебранаётган болакани суҳбатга тортидик.

— Тўртинчи йил бу оромгоҳда дам олишим, — дейди Кўнғирот туманидан келган Обил Қалдибоев. — Барча шариоитга эгаллиги боис бу ерга ҳар йили келаман. Турли тўғарақларга қатнашамиз. Саёҳатга чиқамиз. Асосийси, кўплаб дўстлар орттирдик. Уйга қайтган, бу ерда олган таассуротларни дўстларимизга гапириб берамиз.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ва тизимдаги корхона-ташкilotлар раҳбарияти томонидан оромгоҳда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатаётган ходимлар ва болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири



Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар

Ташаббускорлик, билимдонлик ва фидойилик каби ноёб хислатлар инсонга доимо обрў олиб келган. Агар бундай хислатлар етакчилар қалбидан мавж урса, унинг кўпчиликка фойдаси тегиши аниқ.

«Энг намунали бошлангич ташкилот»

Таълим ва фан ходимлари Зарафшон шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмитаси тизимидидаги бошлангич ташкилот етакчилари орасида ҳам ана шундай тиниб-тинчимас етакчилар ози эмас. 8-мактабдан Гулшан Ҳамроева, 10-мактаб етакчиси Шахноза Габбарова, 13-мактабдан Латофат Наимовани ана шундай фидойилар сирасига қўшиш мумкин. Улар ҳар бир ишни сидқидилдан, кўнғилдагидай адо этишга ҳаракат қилишади.

Яқинда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танлови шартлари ва низоини етакчилар эътиборига ҳавола этган эдик. Шундан кейин раёсат аъзолари жойларда бўлишиб, етакчилар юртайтган ҳужжатлар, тайёрланган албом, диск-албом, ажратилган алоҳида хоналарнинг жиҳозланиши, қўлланмаларнинг турфа хиллигини назарда тутган ҳолда мавжуд ҳолатни ўрганиб боришди.

Кўрик-танлов якунига кўра, ҳар жиҳатдан устуникка эриша олган 13-мактаб етакчиси «Энг намунали бошлангич ташкилот» деб топилди. Чунки, бошлангич ташкилот етакчиси Латофатхон ўз фанининг билимдон бўлиш билан бирга, ташаббускор ҳам. Хусусан, 1-мактаб ҳудудида «Марварид» болалар оромгоҳининг ташкил этилишида унинг жонбозлиги алоҳида таъсирга эришди.

Яқинда «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шахримиз вақиласи Л.Наимова унда муносиб қатнашди, деб ўйлайман.


Ҳосният БЕРДИЕВА,
Зарафшон шаҳар таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

МУСТАҚИЛЛИК йилларида



Болалари шодон эл

Бўстонлик туманининг сўлим Хондайлик қишлоғида жойлашган «Радуга» болалар оромгоҳидаги кўтаринкилик ҳар кунгидан-да юқори. Тошкент шаҳар касаб



Оромгоҳда болаларнинг турли хил тўғаракларда бандлигидан қувондик. Улар мароқли ҳордиқ чикариш билан бирга, компютер савдонлиги, ёғоч ўймакорлиги, кулчилик, расм чизиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, шахмат-шашка каби тўғаракларда шуғулланишар экан.



Буюк Ўзбекистоним

Буюк Ўзбекистоним, Жону жаҳоним менинг, У очил дастурхоним, Мангу ошбеним менинг, Жонни фидо қилгулик Жаннат маконим менинг, Олам сири кўз тумор, Илму урфоним менинг.



қари сармоядан тушган маблағ ҳисобига амалга ошириди. Таълим-тарбия жараёнида фаоллик кўрсатган Г.Мирзабекова, Р.Сиддиқов, Т.Эшматов, Р.Исмоилов, Л.Ҳақимова ва бошқалар касаб уюшманинг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғаларини оlishди.

роқчилари мусобақаси ҳамда бассейнда сузувчилар ўртасида беллашув қизгин тус олган. Майдонга эса ёш футболчилар чиқиб келишди. Бир зумда барчани мусобақаларга хос завқ-шавқ, иштиёқ эгаллади.

Бундай дамларда олисда қолиб кетган содда, беғубор онларингни зўр соғинч, орзиқиш билан эслайсан...



қари сармоядан тушган маблағ ҳисобига амалга ошириди. Таълим-тарбия жараёнида фаоллик кўрсатган Г.Мирзабекова, Р.Сиддиқов, Т.Эшматов, Р.Исмоилов, Л.Ҳақимова ва бошқалар касаб уюшманинг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғаларини оlishди.

Фактларга таяниб иш кўрган афзал

Яқинда оммавий ахборот воситаларида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) вакилининг баёноти эълон қилинди. Унда «Тожикистондаги алюминий заводи Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган худудлар, айниқса, Ўзбекистон учун жиддий муаммолар туғдираётгани» қайд этилди.

Бирок, ушбу баёнот «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси (ТАЛКО) вакилларига қаттиқ таъсир қилган кўринади.

Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон томони, аксинча, ҳар доим алюминий ишлаб чиқариш натижасида атмосферага чиқарилаётган захарли моддаларнинг атроф-муҳитга, аҳоли саломатлиги ҳамда генофондига салбий таъсир кўрсатётганидан ўз ташвишини билдириб келади.

Бундан ташқари, ушбу минтақанинг атмосферада ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўлаётган табиий шароити ҳам вазиятни оғирлаштирмоқда. Айниқса, ёз мавсумида фторли водороднинг бир марта максимал даражада тўпланиши руҳсат этилган концентрация миқдоридан 1,5-4,5 бараваргача ошади.

Инсон борлиқни илм орқали англайди. Воқелиқни тафаккур мезонлари ила ўлчаб, идрок этади. Шунинг учун ҳар бир кишининг билимли бўлиши, айниқса, олган билимларига амал қилиши фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим омил саналади. Бу борада таълим масканларида фидойилик билан меҳнат қилаётган УСТОЗларнинг хизмати катта.

Шундайлардан бири Умрзоқ Тўхтасинов. Унинг юзлаб шоғирдлари эл-юрт хизматида камарбаста. Муаллим сабоқ берадиган рус тили ва адабиёти фанини Қўшқор тумани Эскираб қишлоғида жойлашган 23-ўрта таълим мактаби ўқувчилари қанчалар яхши ўзлаштириши эса унинг фаолиятига билдирилган ўзига хос баҳодир.

Қадр

ди. Касабақум касаб уюшма аъзоларининг кўнглидан чиқишга, уларнинг оғирини енгил қилишга имкон қадр ҳаракат қилди. Иш берувчи билан имзоланган жамоа шартномасида меҳнат аҳлининг ҳақ-хуқуқлари тўла қамолатини таъминлашга эришилди.

Буюк Ўзбекистоним

Бунда Темур шухрати, Улуғбек юлдузлари, Бухорий ҳадислари, Мир Алишер сўзлари, Кўзларимга тўтиб Ал-Хоразмий иллари, Жону жаҳоним менинг, Ўзбекистоним менинг.

Мен Ватан тупроғида, У менинг ардоғимда, Мен Ватан кучоғида, У менинг қароғимда. Мен Ватаним бағрида, Еш-у қари чоғимда, Ўзбекистоним менинг, Жону жаҳоним менинг.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси кенгашининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Насиба Тиллаҳужаевага акаси Абдукомил АБДУКАРИМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фаргона вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси ҳамда тармоқ касаб уюшма вилоят кенгашлари Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаб уюшмаси вилоят кенгаши раиси Сапура Мўминовага волидаи муҳтарамаси РАҲБАРХОН ҲОЖИ онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Менинг кувончим. Кувончини, бахтини қанот қилиб одамлар, Ҳар бирови ўзининг осмонда учади. Шодликча чулганмоққа Сабаб — ўғил-қизинг бор, Шундай одам ҳаётга бағрин очиб, кучади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Нишон туман тармоқ касаб уюшмаси кенгаши раиси Шухрат Абраевага волидаи муҳтарамаси САЛОМАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Аёллар спорт фестивали»

Яқинда Термиз шаҳри яна бир катта мусобақага мезбонлик қилди. Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида Республика VI «Аёллар спорт фестивали» бўлиб ўтди.

Майдон эгалари биринчи



Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий олимпия кўмитаси, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

ва гимнастрада турлари бўйича ўзаро баҳсга киришдилар. Волейбол баҳсларида Сурхондарё жамоаси барча рақибларини ортда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллашди. Урол Чориев мураббийлигидаги волейболчи аёллар жамоаси ютуғига Чарос Қобилова, Хулқар Ҳақимова, Озода Назарова, Севара Раҳмонова муносиб улуш қўшишди.



ларнинг фаол иштирок этгани, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари спортчилари билан деярли бир хил очко тўплаб, учинчи ўринни банд этишгани вилоятда сузиш спорти тобора оммалашаётганидан дарак беради. Фестивалнинг дартс спорт тури ўзбек аёлларининг мерганлигида нималарга қодирлигини синовдан ўтказди. Термизлик Саноов Шодмонова ҳаммадан кўп очко тўплаб, ғолиб бўлди.

Оммавийлик Қизиқарли баҳслар

Яқинда Паркент туманининг Сўмча қишлоғидаги «Бойчечак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида туман агросаноат мажмуи, таълим ва фан ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабани вакиллари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

Янгибозорда халқаро турнир

Юқоричирик туманидаги Янгибозор Марказий ўйингоҳида мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрамига бағишлаб спортнинг бокс тури бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир ташкил этилди.

Logo for 'Insonga naf keltirish' and 'oliy baxt' with text 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi'

Text: Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov

Text: Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV

Text: Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Text: Reklama va e'lonlar 256-85-43, 256-87-73

Text: Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Namangan + 99897 491 79 27; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99890 232 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Text: Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2011@gmail.com

Text: Navbatchi muharrir: A. Abdullayev

Text: Navbatchi: S. Abdurahmonov

Text: Musahhih: S. Shodiyeva

Text: Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov

Text: «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bazmasozida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Bуюk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Text: «Ishonch»ning olingan ma'lumotlarga erishish uchun alohida shart. Muallif fikri har qanday usulda nashr qilinishi mumkin.

Text: Tijorat materiallari

Text: 2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Text: Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq.

Text: Bosilgan topshiri sh vaqti - 21.00 Topshirildi - 19.30

Text: Buzorlama G - 711 13652 nusxada bosildi 2 3 4 5

Мустақиллик тенгдоши Гўзаллик ошуртмаси



Зухраҳоннинг гуллар дунёсига ташрифимиз дарвозахонадан бошланади. Остонадан тортиб ҳовли эстагида гулларга ўтказилган гулларни кўриб, баҳри дилнигиз очилади. Мустақиллик тенгдоши бўлмиш гулчи қиз Қибрай тумани Ўнгўрғон маҳалласида туғилиб воғна етди. Урта мактабни тугаллаб, Тошкент Давлат аграр университетига қошидаги Академик лицейда математика, инглиз тили йўналиши бўйича тахсил олди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Бошқарувининг 11.07.2011 йилдаги 15/10-сонли қарорига асосан, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Шевченко кўчаси, 34-А уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Дамас» русумли, д/р 01/074JAA бўлган, 2002 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 833 000 сўм. 2. «Дамас» русумли, д/р 01/392FAA бўлган, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 236 000 сўм. 3. «Дамас» русумли, д/р 01/453FAA бўлган, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 559 000 сўм. 4. «Дамас» русумли, д/р 01/097JAA бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 347 000 сўм. 5. «Матиз» русумли, д/р 01/257EAA бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 727 000 сўм.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Чилнозор филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Чилнозор Ц-мавзе, Меҳр кўчаси манзилда сақланаётган «Нексия ДОНС» русумли, д/р 10AZ155 бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 354 000 сўм. II. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Учтепа филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 3-«а» уй манзилида сақланаётган «Нексия ДОНС» русумли, д/р 10AZ201 бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 16 060 000 сўм. III. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Ал-Хоразмий филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Чилнозор-30, 16а-уй манзилида сақланаётган «Дамас» русумли, д/р 01/348WAA бўлган, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 518 000 сўм. IV. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сергели филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Сергели 8-38-уй манзилида сақланаётган «Дамас» русумли, д/р 01 890 EBA бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 897 000 сўм. V. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Юнусобод филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 4-қаҳрамон кўчаси, 7-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Нексия СОНС» русумли, д/р 01/099 KBA бўлган, 2005 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 473 000 сўм. 2. «Дамас» русумли, д/р 01/088 KBA бўлган, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 841 000 сўм. VI. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Шаҳристон филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Чинобод кўчаси, 49-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Нексия СОНС» русумли, д/р 01 242 VAA бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 050 000 сўм. 2. «BA3-21070» русумли, д/р 01 383 VAA бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 083 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 29 август кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 29 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 5 ва 12 сентябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сарбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамш 1 кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «Орта Осиё Транс Шарқ» шўба корхонасининг 15.07.2011 йилдаги 36/170-273-сонли хатига асосан қорхонага тегишли, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ашрафий кўчаси, 108-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Доран SL» русумли, д/р 10AP154 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 360 000 сўм. 2. «ДЭУ Нексия GLE» русумли, д/р 10AP334 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 006 000 сўм. 3. «ДЭУ Силер салон» русумли, д/р 10BB571 бўлган, 1994 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 145 000 сўм. 4. «ДЭУ Силер салон» русумли, д/р 10BB443 бўлган, 1994 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 145 000 сўм. 5. «ДЭУ Нексия GL» русумли, д/р 10AP722 бўлган, 1997 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 830 000 сўм. 6. «Доран SL» русумли, д/р 10AJ134 бўлган, 1994 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 880 000 сўм. 7. «Доран SL» русумли, д/р 10AC888 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 104 000 сўм. 8. «ДЭУ Превье» русумли, д/р 10AC602 бўлган, 1992 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 790 000 сўм. 9. «ГАЗ-3102» русумли, д/р 10A0603 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 545 000 сўм. 10. «ГАЗ-3102» русумли, д/р 10A0604 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 545 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 26 август кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 26 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 8 ва 15 сентябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Юқоридagi автотранспорт воситаларининг аукцион савдолари бўйича авал «Биржа» газетасининг 23.07.2011 йилдаги 86-сонида эълон берилган. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сарбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамш 1 кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.